Б. Ходжаева

Қўлёзма манбаларни тиклаш илмининг илк маркази: Шарқшунослик институти реставрация лабораторияси тарихи

Маълумки, 1887 йил Тошкент давлат кутубхонаси ва унинг қошида Шарқ қўлёзмалари бўлими ташкил қилинган. Бу ҳодиса Ўзбекистонда ёзма манбаларни илмий асосда ўрганиш ва сақлаш йўлидаги дастлабки муҳим қадамлардан бири эди. 1889 йилга келиб Шарқ қўлёзмалари бўлимидаги китоблар сони 87 та қўлёзма жамланиб, кейинги йилларда мамлакатнинг турли ҳудудларидан келтирилган қимматли ёзма мерос билан фонд кенгайиб борди [11: 14].

1928–1935 йилларга келиб Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва бошқа ҳудудлардаги кутубхона ва илмий даргоҳлардан тўпланган қатор нодир манбаларнинг Шарқ бўлимига ўтказилиши натижасида мамлакатда энг йирик қўлёзмалар хазинаси шакллана бошлади [11: 15]. Бугунги кунда ҳам ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондидаги баъзи китобларда ўша давр вилоят кутубхоналарининг муҳрлари сақланиб қолгани бу тарихий жараённинг бевосита гувоҳи ҳисобланади [7: 303].

Бундай катта қўлёзма фондининг бунёдга келиши қўлёзмаларни жиддий ўрганиш ва нашрга тайёрлашни, мумкин қадар янги-янги асарлар билан бойитиб боришни ва бизгача сақланиб қолган маданий меросни кейинги авлодларга етказиш учун керакли чора-тадбирлар қаторида замонавий усулларни жорий этишни талаб қилар эди. Шу мақсадда 1943 йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳрида Марказий Осиёдаги илк Фанлар академияси очилиб, Тошкент давлат халқ кутубхонасининг Шарқ бўлими асосида Ўзбекистон ССР ФА Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институти ташкил этилиши ўзига хос муҳим воқеа бўлди. Янги институтнинг фонди ЎзССР Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасидаги қўлёзмалар, Хива хонлари кутубхоналаридан, диний идоралардан олиб келинган китоблар билан бирга қадимий, нодир ҳамда гўзал санъат намуналари акс этган юздан ортиқ манбаларни сотиб олиш орқали тўлдирилди [13: 6].

Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институти янги ташкил топган вақтда фақатгина қўлёзмалар фонди ва биргина қўлёзмаларни ўрганиш бўлимидан иборат бўлган. Институт қошида Марказий Осиё халқларининг иқтисодий, сиёсий ва маданий тарихини ўрганиш бўйича

бир қанча янги бўлимлар билан бирга, 1948 йилда фотолаборатория ва реставрация бўлими ташкил этилди [11: 16–17]. Кейинчалик, институт фаолияти кенгайиб, 1957 йилда унга ўрта асрларнинг буюк қомусий олими Абу Райҳон Беруний номи берилди [11: 9].

Янги реставрация лабораторияси фаолияти қуйидаги йўналишларда олиб борилди:

- қўлёзмаларни дезинфекция қилиш;
- микрофильм ва фотонусхалар тайёрлаш;
- шикастланган китобларни таъмирлаш;
- зах ва номуносиб шароитлар таъсирида ёмон ҳолга келган китобларни қайта тиклаш.

Институтга келган қўлёзмаларнинг кўпчилиги ерда тахланган ҳолда, томидан сув ўтадиган хоналарда сақланганлиги боис ифлосланган, замбуруғлар билан зарарланган бўлган. Лаборатория мутахассислари томонидан қўлёзмалар микроскоп остида текширилганда манбадаги кимёвий ўзгаришлар, микроскоп остида кўринадиган жуда майда замбуруғлар мавжудлиги аниқланган. Бу борада мутахассис П.Д. Зотовнинг (1824–1879) хизматлари айниқса катта бўлди. У замбуруғларнинг ўндан ортиқ турини аниқлаган [5: 10].

П. Зотов реставрация лабораторияси очилганидан шу бўлимда реставратор бўлиб фаолият олиб борган. У нафақат китобларни таъмирлаган, балки уларни тўғри сақлаш ва зарарланиш сабабларини бартараф этган ҳолда китобларнинг умрини узайтиришга катта ҳисса қўшган. Жумладан, замбуруғдан тозалаш учун қўлёзмани лабораториянинг дезинфекцион камерасида формалин буғи билан дезинфекция қилиш ишларини йўлга қўйган. Бу жараёнлар китобларнинг зарарланишини тўхтатиши ва уларга зиён етказмаслиги учун дезинфекция режимини, яъни дезинфекция қанча вақт давомида, қандай ҳароратда бўлишини ва сарфланадиган формалиннинг миқдорини ишлаб чиққан [5; 11].

1938–1947 йилларда Институтда реставрация бўлими очилгунга қадар Ибодулла Одилов (1872–1944), Абдуқодир Муродов (1893–1974), Юнусжон Ҳакимжонов (1893–1966) каби олимлар жуда эскириб кетган қўлёзмаларни олимларнинг ўрганишлари учун яроқли ҳолга келтириш мақсадида уларнинг йиртилган варақларини қайта ёпиштирганлар, муқоваси йўқолган китоблар учун янги муқова

ясаганлар [7: 312], нуқсонли жойларини тузатиб, мукаммал ҳолга келтирганлар [14: 5]. Хатто айрим ўқилиши қийин бўлган китобларни тадқиқотчиларга осонлик яратиш мақсадида қайтадан тушунарли настаълиқ хатида кўчириб, китоб ҳолига келтирганлар. Хаттотлик санъатининг бир неча турларида хат ёза олган Ибодулла Одилов (1872–1944), Боситхон Зоҳидов (1878–1959), Абдулфаттоҳ Расулов (1885–1967), Абдуқодир Муродов (1893–1974), Юнусжон Ҳакимжонов (1893–1966), Абдулла Носиров (1900–1986) каби хаттотларнинг қалами билан кўчирилган қўлёзма нусхаларидан ҳали-ҳануз тадқиқотчилар томонидан фойдаланиб келмоқдалар.

Бугунги кунда “реставратор” деб ёзма манбаларнинг аслини ўзгартирмаган ҳолда унинг тарихий, бадиий кўринишини, ундаги санъат намуналарини сақлаб қолувчи ва илмий асосланган усуллар билан таъмирловчи мутахассис айтилса, ўтган аср ўрталарида бир неча хат турларида ёза оладиган, китобат санъати билан яхши таниш бўлган мутахассис реставратор деб аталган. Жумладан, А. Ирисов ўз тадқиқотларида “*... қўлдан-қўлга ўтиб йиртилган қўлёзма асарларни тикловчи – реставратор тузатади, китобдаги айрим ўчиб кетган жойларни қайта тиклайди. Яқинда Шарқшунослик институти реставратори илмий ходим Юнусжон Ҳакимжонов Ибн Синонинг “Ишорот” деган асари устида тиклаш ишларини тугатди*”, деган маълумотларни бериб ўтганлар [6: 5]. Ҳақиқатдан ҳам Шарқшунослик институтида 2213 тартиб рақамли “Китоб ал-ишорат” (“Ишоралар китоби”) асарининг 745/1340–41 санада Ю.Ҳакимжонов томонидан кўчирилган нусхаси 13086 тартиб рақамида сақланади. Унинг сўнгги варағидаги хотимасида китоб тарихи ва кўчириш сабаблари ҳақида тикловчи хаттот қисқача маълумот берган.

Хаттот, саҳҳоф, Шарқ қўлёзмалари билимдони Ибодулла Одилов (саҳҳофлар авлоди) хаттотлик санъати ва қўлёзма асарларни қайта тиклашдек олижаноб хизматлари билан шарқшунослик соҳасини асрашга ҳаракат қилган. Шикастланган қўлёзма китобларни таъмирлаш, қайта тиклаш, муқоваси йўқолган ёки синган китобларга янги муқова ясаш билан уларнинг умрини узайтиришга катта ҳисса қўшган [7: 338]. И. Одилов қадимги ёзма ёдгорликларни сақлаб қолиш ниятида йўқолиш олдида турган бир қанча асарни қунт билан кўчириб, уларнинг нусхаларини кўпайтирган. Ҳозир Шарқшунослик

институтида Ибодулла Одилов қўли билан кўчирилган ўнлаб асарлар мавжуд [2: 77]. Жумладан, дунёда ягона нусха ҳисобланган нодир қўлёзма “Мажмуаи мурассалот” (“Мактублар тўплами”, инв. № 2178) ёки “Навоий альбоми” деб аталган хатлар тўпламининг кўчирилиш тарихи юқоридаги фикримизга мисол бўла олади [2: 77–78]. Мазкур альбомдаги мактублар форс тилида девоний, насх, таълиқ хатлари билан нуқтасиз, зеру забарсиз, баъзан хатнинг шикаста турларида ёзилганлиги учун ўқилиши жуда қийин эди. Юқорида эслатиб ўтганимиздек, ўқилишини осонлаштириш, тадқиқотларга жалб қилиш мақсадида И. Одилов асарни тўлиқ шаклида настаълиқ хати билан икки нусхада кўчирган ва улар Шарқшунослик институти фондида № 4245, 5736 рақамлари остида сақланади [2: 78].

Қўлёзма манбани тадқиқотчилар учун тушунарли хатда кўчириш узоқ вақт талаб этиши билан бирга, машаққатли вазифа ҳисобланади. Бироқ уни китоб ҳолига келтириш, жузълардаги варақлар кетма-кетлигини инобатга олиш, уларни тикиб, муқова ясаш ишларини махсус билим ва малакасиз бажариб бўлмайди. И. Одилов манбаларнинг картотека тавсифини тузиш билан бирга хаттотлик, реставрация соҳаларида ҳам фаолият олиб борган. Хусусан, “Алишер Навоий альбоми” тўғрисида муаллиф қуйидагича фикр билдирган: *“Мажмуаи муроссалот ёхуд “Навоий альбоми” (инв.№ 2178) камина Одиловнинг қалами билан настаълиқ хатида янгидан кўчирилган ягона ва нодир нусха Ўзбекистон Давлат халқ кутубхонасида 15 асрда рақоъ, қисман насх хатлари билан ёзилган, ҳозирги вақтда ўқиш-ёзиш доирасидан бутунлай четда ва қийин бўлган асл нусхадан кўчирилгандир. Мен бу ўқилиши қийин, назардан узоқ бўлган хат (рақоъ, девонийлар) билан бир даражада ошно эдим. Давлат кутубхонасининг директори буйруғи билан одатдан ташқари диққат ва қийинчиликларни устимга олиб настаълиқ хати билан айнан кўчирдим. Имконият борича тасҳиҳ ва тузатишда куч сарф қилдим. Мактубларнинг баъзисида ёзувчининг имзоси ўчиб кетган бўлса, мактубларнинг маъно ва мазмунлари, қаламининг изидан аломатлари билан ёзувчининг отини қавс ичига олдим. Узоқ замонлар ўтиши билан ўчиб кетган, ўқилиши мумкин бўлмаган баъзи сўзларнинг ўрнини бўш қолдирдим. Мактуб тартибларига эътибор бердим, яъни олдин кейин ёзилишига йўл қўймадим...”* [12: 79–80].

Хаттот А. Муродов ҳам манбаларни тавсифлаш билан бирга уларнинг нуқсонли жойларини таъмирлаб, тадқиқотлар учун мукаммал ҳолга келтирган [14: 5]. Бу ҳақда Қ. Муниров ўз тадқиқотларида Шарқшунослик институти хазинасидаги 1484 йили Ҳиротда Алишер Навоий ҳузурида Абдужамил котиб томонидан ниҳоятда нафис настаълиқ хати билан кўчирилган “Хамса” асарининг баъзи тушиб қолган варақлари хаттот А.Муродов томонидан гўзал шаклда ёзиб тўлдирилганини баён этган [9: 155].

Бу мутахассислар институтга келган ёш ходимларга устоз-шогирд анъаналарини давом эттирган ҳолда хаттотлик ва китоб таъмирлаш бўйича ўз билимларини ўргатганлар. Уларнинг ўнлаб шогирдлари қаторида М. Салимов (1952–2023), Ш. Муҳаммаджонов, А. Мадраимов каби хаттотлик, китобат санъатига оид билимларни эгаллаб, қўлёзма манбаларни ўқиш билан бир қаторда, уларни таъмирлаш, китобат қилиш ишларини ҳам мукаммал эгаллаган мутахассислар етишиб чиқди. А. Мадраимовнинг қайдларига кўра, ўрта асрларда китобларнинг, айниқса, ҳашаматли қўлёзмаларнинг ички муқовасига ва ташқи кесимига ишлатилган абри қоғозини тайёрлаш технологиясини институт реставраторлари Ш. Муҳаммаджонов ва М. Салимовлар 1986 йилда қайта тиклаганлар. Қўлёзмаларни ўрганиш, ижодий изланишлар ва кўплаб тажрибалар орқали қадимий технологиянинг сирларини очганлар ҳамда шу услубда тайёрлаган абри қоғозларининг биринчи намуналарини реставрация ишларида қўллашни бошлаганлар [15: 6]. М. Салимов ўз шогирдларига *(улар орасида мен ҳам борман – Б.Х.)* айнан абри қоғозини тайёрлаш жараёнидаги машаққатлар, қўлёзмаларда айтилган маҳсулотларни топиш ва уларни маромига етказиб тайёрлашдаги қийинчиликлар, олинган салбий натижалар ҳақида айтиб берар эдилар. Бир неча йиллик изланиш ва тажрибалардан сўнг илк маротаба абрли қоғоз тайёрлашга мушарраф бўлишган вақтда қувончларидан қийқириб юборишганини фахр билан сўзлаб бергандилар. Улар тайёрлаган ва қўллаган абри қоғоз намуналари ҳали-ҳануз реставрация бўлимида, сақловхонадаги қўлёзма китобларнинг ички муқовасида сақланиб қолган.

Мовароуннаҳр китоб санъатида кенг фойдаланилган, вақт ўтиши билан унутилган *“абри баҳор”* санъатини қайта тиклаб, амалиётга

татбиқ қилгани учун М. Салимов 1991 йил Фан ва техника кашфиётлари СССР Давлат комитети томонидан “Муаллифлик” гувоҳномасини (№ 1716698) олган. Бундан ташқари, 2005 йилда ЮНЕСКО ташкилоти томонидан дунё илм-фанига қўшган ҳиссаси учун “Ноёб касб эгаси” дипломи билан мукофотланган.

XX аср охири – XXI аср бошларида қўлёзмаларни консервация ва реставрация қилишнинг илмий стандартлари жадал ривожланди. Халқаро миқёсда анъанавий реставрация усуллари илмий томондан ўрганила бошлангандан сўнг янги услублар амалиётга татбиқ қилина бошланди, қўлёзма манбаларнинг физик-кимёвий таркиби ўрганилиб, уларга мос хомашёлар, материаллар тайёрланди, иш жараёнини осонлаштириш ва самарали қилиш учун янги техника ва ускуналар яратилди. Айнан шу йўналишда Шарқшунослик институти реставраторлари М. Салимов, Ш. Пўлатов, Р. Худойберганов, И. Раҳимовлар бир неча халқаро ташкилот томонидан халқаро экспертлар иштирокида ўтказилган қўлёзма манбаларни консервация ва реставрация қилиш бўйича малака ошириш тренингларида ўз билим ва тажрибаларини оширдилар.

2018 йилга келиб Консервация ва реставрация бўлимига янги мутахассислар жалб қилинди, уларнинг билим ва кўникмаларини ошириш учун Туркиянинг ТИКА ташкилоти томонидан бир неча марта амалий тренинглар, Қозоғистон миллий кутубхонаси томонидан маҳорат дарслари ташкил қилинди. Мазкур ўқув курсларини ўтказиш учун туркиялик Бекир Шахин, Нил Байдар, озарбайжонлик Заур Ўрач, қозоғистонлик Бўтагўз Серсенбаева каби малакали мутахассислар жалб қилинди. Улар манбаларни сақлаш шароити, зарарланиш ҳолатини назорат қилиш ва уни бартараф этиш йўллари, консервация ва реставрация йўналишидаги янги замонавий усуллар, китобнинг матн блокини тикиш услублари, шероза тўқиш каби назарий ва амалий билимларни билан ўргатдилар.

2019 йилдан буён ЎзР ФА Шарқшунослик институти Консервация ва реставрация бўлими халқаро миқёсда етакчи ташкилот ҳисобланган Музейлар ассоциациясининг халқаро федерацияси (ИФЛА) ташкилотининг минтақавий маркази аъзоси ҳисобланади. Унинг асосий мақсади кутубхона ва фондларнинг фаолиятини яхшилаш, нодир манбаларни сақлаш ва реставрация қилиш соҳасини

ривожлантириш йўлида мутахассислар ўртасида алоқани кенгайтириб бориш, шу билан бирга, ўзаро тажриба алмашиш ва янги ҳамда замонавий усуллар ҳақида маълумотлар олиш имконини берувчи платформа яратишдир. ИФЛА ташкилоти томонидан йилда икки марта ўтказиладиган семинар ва маҳорат дарсларида ЎзР ФА Шарқшунослик институти мутахассислари ҳам иштирок этиб келадилар. Улар нафақат тингловчи сифатида, балки анъанавий Шарқ китобат санъати бўйича, яъни “Бухоро муқова мактаби” ва “Ҳинд-эрон муқова мактаби” мавзуларида Маъруфжон Салимов бошчилигида маҳорат дарси ўтказганлар. Шарқ китобат санъатининг гўзаллиги ва нозиклиги билан бирга унинг анъанавий усуллари сақланиб келаётгани ва қадимий техникаларда ишлаётган мутахассислар борлиги уларни ҳайратга солди.

Институтнинг Консервация ва реставрация бўлимида нодир манбаларни таъмирлаш жараёни халқаро меъёрларда кўрсатилганидек бир неча босқичда амалга оширилади. Энг аввал манбанинг зарарланганлик даражаси ва унга олиб келган омиллар ўрганилади, улар асосан ташқи муҳит, биологик ёки кимёвий таъсирлар остида шикастланган бўлади. Шундан сўнг ҳар бир манбанинг хусусияти, яъни қоғозининг таркиби, ундаги кислота миқдори (pH), сиёҳ ва бўёқларнинг органик ёки минерал таркибга эга эканлиги ўрганилади. Манбанинг жисмоний, физик-кимёвий ва биологик хусусиятлари ҳақидаги маълумотларга таянган ҳолда айнан таъмирланаётган китобга мос материаллар танланади ва босқичлар кетма-кетлиги ишлаб чиқилади.

Бўлим мутахассислари Институт фондидаги нодир манбаларни превентив консервация[1] ва реставрация қилиш, музей кўргазмалари учун уларнинг муляж нусхаларини тайёрлаш билан ҳам шуғулланадилар. Бундай нусхалар нодир манбаларни асраш, уларни тўғридан-тўғри тушадиган чироқ ва қуёш нурларидан ҳимоя қилиш мақсадида яратилиб, ягона нусхадаги қўлёзманинг муляж нусхаларини бир вақтнинг ўзида бир неча музейда намойиш қила олиш имконини ҳам беради. Муляж нусхалар асл манба қоғозининг таркиби, ранги,

[1] Превентив консервация – қўлёзма, тошбосма ва тарихий ҳужжатларнинг шикастланиши, емирилиши ёки ҳолати ёмонлашишининг олдини олишга қаратилган барча чора-тадбирлар мажмуидир.

ундаги хаттотлик, тазҳиб, миниатюра санъатларини ҳам айнан такрорлайди. Бироқ унинг ўлчами камида 0,5 см кичик ясалади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қўлёзма манбанинг ҳар бир элементини акс эттириш учун уни ўрганиш ва зарурий материалларни йиғиш билан бирга унинг устида узоқ ишлаш талаб қилинади.

ЎзР ФА Шарқшунослик институти Консервация ва реставрация бўлими мутахассислари ўрта асрларга оид ёзма меросни асраш ва кейинги авлодларга етказиш мақсадида ўз устларида ишлаш, тадқиқотлар олиб бориш, малакаларини ошириш, халқаро тажрибаларни ўрганиш, янги методлардан бохабар бўлиш ва ўз билимларини улашишда давом этиб келмоқдалар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Азимжонова С. А. Шарқшунослик илмига қўшаётган ҳиссамиз // Фан ва турмуш. 1960. №2. –Б. 2–6.
2. Акмалова М. Ибодулла Одилов // Шарқшунослик. 1991. № 2. –Б. 75–81.
3. Асилов А. Шоир Сидқий ва унинг шогирди // Тошкент оқшоми. 1984, 5 январь. –Б. 4.
4. Зиёдов Ш. Марказий Осиё кутубхоналари тарихини ўрганиш муаммолари ва истиқболлари (XVI–XX аср бошлари) // Шарқшунослик. 2011. № 15. –Б. 85–91.
5. Зотов П.Д. Қўлёзмалар лабораторияси // Фан ва турмуш. 1960. № 2. –Б. 10–12.
6. Ирисов А. Ибн Синонинг “Ишорот” китоби тикланди // Ўзбекистон маданияти. Даврий нашр. № 24(229) / 19 март, 1958.
7. История и историки Узбекистана в XX веке. –Ташкент, 2014.
8. Мадраимов А. Раскрыта тайна абри // Правда. Периодическое издание. 1987, 15 январь.
9. Мунировқ. Моҳир хаттот // Шарқшунослик. 1995. № 6. –Б. 153–156.
10. Мунировқ., Жалилов О. Маънавият хазинасининг ноёб билимдони // Шарқшунослик. 1999. № 9. –Б. 181–184.
11. Мунировқ., Ҳасаний М., Қосимхонов Б. Маънавиятимиз хазинаси // Шарқшунослик. 2004. № 12. –Б. 13–25.
12. Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. –Тошкент, 1971.

13. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Т. 1. Ташкент, 1952.
14. Ўринбоев А. Моҳир хаттот // Фан ва турмуш. 1960. № 2. –Б. 4–5.
15. Хўжаева У. “Абдулла Носиров дафтарлари” ўзбек матбуоти тарихини ўрганишда муҳим манба // Шарқшунослик. 2002. № 11. –Б.145–151.

Б. Ходжаева

Қўлёзма манбаларни тиклаш илмининг илк маркази: Шарқшунослик институти реставрация лабораторияси тарихи

Мақолада Ўзбекистонда қўлёзма манбаларни тиклаш ва сақлаш соҳасининг шаклланиши, айниқса, Шарқшунослик институтидаги реставрация лабораториясининг тарихи илмий асосда ёритилган. 1887 йилда Тошкент давлат кутубхонаси қошида Шарқ қўлёзмалари бўлими ташкил этилгани мамлакатда ёзма меросни илмий ўрганишнинг бошланғич нуқтаси сифатида баҳоланади. Мақолада 1948 йилда ташкил этилган реставрация лабораториясининг вазифалари, дезинфекция, шикастланган китобларни тиклаш, микрофильм тайёрлаш каби йўналишлардаги ишлар ёритилди. П. Зотов, И. Одилов, А. Муродов, Ю. Ҳакимжонов, М. Салимов каби мутахассисларнинг илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси, уларнинг хаттотлик ва реставрация соҳаларидаги амалий ишлари таҳлил қилинган. Шу билан бирга, илмий-амалий тадқиқотлар, абри қоғозини қайта тиклаш тажрибалари, замонавий консервация стандартларининг жорий этилиши ва халқаро ҳамкорлик масалалари ҳам ёритилган.

Калит сўзлар: *реставрация лабораторияси, қўлёзма китоблар, консервация, илмий-амалий реставрация, анъанавий усул, қайта тиклаш, абри санъати, хаттот, наққош.*

Б. Ходжаева

Первый центр по восстановлению рукописных источников: история реставрационной лаборатории Института востоковедения

В данной статье научно освещено формирование сферы восстановления и сохранения рукописных источников в Узбекистане, в частности история реставрационной лаборатории Института востоковедения. Создание в 1887 году отдела восточных рукописей при Ташкентской государственной библиотеке оценивается как отправная точка научного изучения письменного наследия страны. В статье подробно раскрываются задачи реставрационной лаборатории, организованной в 1948 году, а также её деятельность по дезинфекции, восстановлению повреждённых книг и созданию микрофильмов. Анализируется вклад таких специалистов, как П.Д. Зотов, И. Одилов, А. Муродов и Ю.Хакимжонов и М. Салимов, в развитие науки, а также их практическая деятельность в области каллиграфии и реставрации. Кроме того, освещены научно-практические исследования, работы по восстановлению технологии бумаги «абри», внедрение современных стандартов консервации и вопросы международного сотрудничества.

Ключевые слова: реставрационная лаборатория, рукописные книги, консервация, научно-практическая реставрация, традиционный метод, восстановление, искусство абри, каллиграф, художник.

B. Khodjaeva

The First Center of Manuscript Restoration: The History of the Restoration Laboratory of the Oriental Studies Institute

This article provides a scholarly examination of the development of manuscript restoration and preservation in Uzbekistan, with particular emphasis on the history of the Restoration Laboratory at the Institute of Oriental Studies. The establishment of the Department of Eastern Manuscripts at the Tashkent State Library in 1887 is regarded as the starting point for the scientific study of the nation’s written heritage. The article offers a detailed discussion of the functions of the Restoration Laboratory, founded in 1948, including its work in disinfection, the repair

of damaged books, and the preparation of microfilms. It also analyzes the contributions of specialists such as P.D. Zotov, I. Odilov, A. Murodov, Yu. Hakimjonov and M. Salimov to the advancement of the field, as well as their practical activities in calligraphy and restoration. In addition, the article highlights scientific and practical research, efforts to revive the traditional "abri" paper-making technique, the introduction of modern conservation standards, and the expansion of international cooperation.

Key words: *restoration laboratory, manuscript books, conservation, scientific and practical restoration, traditional method, restoration, art of abri, calligrapher, painter.*